

Жамоани кучайтириш йўллари (Умумий маслаҳатлар)

Алоқани яхши йўлга қўйинг	<ul style="list-style-type: none"> Жамоа аъзолари мақсадга эришиш учун улардан нима кутаётганингизни яхши билсин
Шахсий фазилатларни рағбатлантиринг	<ul style="list-style-type: none"> Жамоа аъзоларидан бири лойиҳа устида кўпроқ ишласа, уни бутун гуруҳ олдида олқишланг ёки тақдирланг. Шу тариқа жамоа аъзолари қўшилган ҳар бир шахсий ҳисса эътибордан четда қолмаслигини тушунади
Жамоа аъзоларини бир-бирларини руҳий қўллаб-қувватлашга унданг	<ul style="list-style-type: none"> Гуруҳнинг руҳини кўтаришда етакчи бўлинг. Бошқаларга илҳом бахш этинг. Тўғри ишлаётган ҳар бир одамни олқишлашга одатланинг
Жамоадошларингиз билан ишдан бошқа пайтларда ҳам бирга вақт ўтказинг	<ul style="list-style-type: none"> Гуруҳ аъзолари билан яқин алоқа ўрнатишнинг энг яхши йўли уларни шахсий даражада яқиндан танишдир. Ишдан сўнг жамоа учун кўнгилочар учрашувлар ташкил этинг. Уларни баъзан тушликка таклиф этиб туринг

Ғайратни оширувчи машқ	
Мақсад	Исталган пайтда гуруҳ аъзоларининг ғайратини, куч-қувватини ошира билиш
Керакли жиҳозлар	Ёзиш қуроллари ҳамда бир неча вароқ тоза қоғоз
Сарфланадиган вақт	10-25 дақиқа
Гуруҳдаги одамлар сони	5-50 одам
Ўйин қоидаси	<ul style="list-style-type: none"> Гуруҳга ёзиш қуроллари ҳамда қоғозлар тарқатилади. Бошқарувчи бу машқда иштирок этмайди. Ҳар бир иштирокчи қоғозга қилиш керак бўлган қандайдир кулгили бир фикрни ёзади (масалан, итга ўхшаб хуриш). Кейин улар ёзилган қоғозларни ғижимлаб ўрашади. Сўнг бошқарувчи уларга қоғозларни гуруҳ бўйлаб ўзаро тарқатишни буюради; маълум вақт ўтгач, уларни бу ишдан тўхтатади. Шундан сўнг бошқарувчи исталган одамни танлаб, қўлидаги қоғозга ёзилган ишни бажаришни сўрайди.
Эслатма	Ўйинга шундай шарт қўшиш мумкин: Қоғозга ёзилган ишни бажараётган одам кулмаслиги керак. Агар кулса, ўйиндан чиқади. Ўйин фақат икки киши, яъни ғолиблар қолгунча давом этади



Бир-бирини яхшироқ танишга ўргатадиган машқ	
Мақсад	Иштирокчилар умумий ва ўзига хос қизиқиш ва тажрибаларини бир-бирларига сўзлаб бериш орқали гуруҳ аъзоларини яхшироқ таниш имкониятига эга бўлади; Бир-бирларини тинглаш ва ўзаро суҳбатлашиш жараёнида дўстона муҳит яратилади.
Қачон ва нима учун	<ul style="list-style-type: none"> • Ўзаро тушунмовчиликларга барҳам беради; • Жамоа жипслигини кучайтиради.
Машқ тафсилотлари	<ul style="list-style-type: none"> • Жамоа айлана бўлиб ўтиради. • Ҳар бир иштирокчи гуруҳга ўзи ҳақида уч нарса айтади. Буларнинг иккитаси тўғри ва биттаси ёлғон бўлиши керак. Ёлғон ярим ҳақиқат эмас, балки ёлғонлиги кундек равшан бир гап бўлиши керак. Масалан, битта акаси бор одам, менинг иккита акам бор, демасдан, балки менинг 12 та акам бор, деб айтиши керак. • Ҳамма биттадан ёлғон айтиб бўлгач, гуруҳдагилар қўлини кўтариб, айтилган учта гапдан қайси бири ёлғон эканини тахмин қилади. Бошқарувчи гуруҳдагилардан бу гапнинг ёлғон экани ҳақидаги фикрга кимлар қўшилишини сўрайди. • Охирида бу гапни айтган одамнинг ўзи қайси гапи ёлғон эканини ошкор қилади. • Ҳамма бирма-бир гапириб бўлгач, энг кўп одамни алдай олган иштирокчи ёки иштирокчлар гуруҳ томонидан олқишланади.
Тавсиялар	<ul style="list-style-type: none"> • Иштирокчилар айтадиган гапларини қисқароқ қилиши керак; • Агар бу ўйин ҳар йили ёки бошқа тадбирларда ҳам ўтказиладиган бўлса, иштирокчилар ўзларига оид фактларни ўзгартиришлари керак.

Жумбоқли ўйин	
<i>Ўйин ҳақида</i>	Бу ўйинда лойиҳа бўйича турли вазифа ва мақсадларга эга томонлар жам бўлиб, фарқли қарашлардан таъсирланиш ҳамда ўз навбатида бошқаларга ўз фикрларини ўткази олиш имкониятига эга бўлади.
<i>Мақсад</i>	Ташкилий ва қарор қабул қилишга оид ишларда турли мансабдаги ишчиларнинг иштирок этишини таъминлаш.
<i>Қачон ва нима учун</i>	<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳ ичидаги тенгликни эътироф этиш; • Фикрлар хилма-хиллигини юзага чиқариш; • Масалалар бўйича умумий келишувга эришиш.
<i>Машқ тафсилотлари</i>	<ul style="list-style-type: none"> • Бутун гуруҳ стол атрофида ёки айлана бўлиб ўтиради ва мавзуга алоқадор муҳим масалаларни аниқлайди (Масалан, энг муҳим вазифаларни аниқлаш, мақсадларни белгилаш, иш жойидаги турли-туманлик ва ҳоказо). • Сўнг иштирокчилар умумий қарашда бўлган бошқа қатнашчилар билан манфаатдор гуруҳларни ташкил этади (Масалан, маъмурият ишчилари бир гуруҳ бўлса, ошхона хизматчилари алоҳида гуруҳ бўлади ёки менежмент ходимлари яна бир гуруҳ тузади). • Бироздан сўнг ҳар хил гуруҳларга тегишли одамлар ўзаро аралашиб, жумбоқли гуруҳларни тузади (Масалан, ошхона ишчиси менежмент гуруҳига қўшилади ёки маъмурият гуруҳи ошхона ишчилари гуруҳига қўшилади. Натижада ҳар бир гуруҳда бошқа гуруҳларнинг вакили бўлади). • Шундан сўнг бу жумбоқли гуруҳлардаги одамлар манфаатдор гуруҳларда аниқланган муҳим вазифалар ва ғоялар ҳақида фикр алмашади. • Гуруҳларда қўшимча музокараларни давом эттириш ихтиёрий. • Сўнг барча қайтадан бир гуруҳ бўлиб, қилинган ишлар ҳақида қисқача маълумот берилади.
<i>Турли қарашдаги иштирокчиларни янги шароитга мослаштириш</i>	<ul style="list-style-type: none"> • Бошқарувчи турли мақсад ва қарашдаги иштирокчиларга ўзаро ҳурматли бўлиш, конструктив фикр билдириш каби асосий қоидаларни аниқ ва тўғри тушунтириши керак. • Иштирокчилар фарқли қарашларга очиқ бўлиши керак (Масалан, менежмент гуруҳи маъмурият ёки ошхона ишчиларидан келган фикрларни тинглаши керак).